

## СУВ ОМБОРИДАГИ ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ.

### Андижон сув омбори гидротехник иншоотлари таркиби қуйидагилардан қуйидагиларга бўлинади:

- Сув омбори ҳавзаси (чашаси);
- Бетон тўғон;
- Грунт тўғон;
- Сув чиқариш иншооти;
- Сув ташлама;
- ГЭС иншооти.

**Сув омбори ҳавзаси (чашаси):** Андижон сув омборининг ҳавзаси учта Қорадарё, Ясси ва Қуршаб дарёларининг қуйилишида, Қорадарёнинг ўзанида жойлашган. Сув омбори ҳавзаси меъёрий димланган сув сатҳи (МДС) белгисида қуйидаги морфометрик элементларга эга (лойиҳа бўйича):

- сув омборининг тўла ҳажми – 1900 млн.м<sup>3</sup>;
- сув омборининг фойдали ҳажми – 1750,0 млн.м<sup>3</sup>;
- ҳавзасининг узунлиги – 14,0 км;
- максимал кенглиги (эни) – 4,0 км;
- максимал чуқурлиги – 98,5 м;
- майдони – 56 км<sup>2</sup>;
- қирғоқ узунлиги – 65,0 км;
- 2 метргача чуқурликдаги майдон - 2,2 км<sup>2</sup>.
- ЎСС белгисида:
- ҳажми – 150 млн.м<sup>3</sup>;
- майдони – 10,8 км<sup>2</sup>.